*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 16 fevral, juma № 7 (440) Sotuvda narxi erkin

## НАВОИЙ САБОҒИ

Республикамиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрам қилинадиган ушбу кутлуғ йилда халқимиз фахру ғурури бўлмиш ҳазрат Навоийнинг 560 йиллиги жойларда ўзгача бир шукуҳ ва кўтаринкилик билан кенг нишонланди. Шундай тантаналардан бири Тошкент Алоқа коллежида ҳам бўлиб ўтди.

«Алишер Навоий ижодида миллий ифтихор туйғуси» мавзуида ўтказилган ушбу анжуман-семинарда коллеж директори С. Акбаров, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг услубият хонаси услубчиси Х. Тўлаганова, «Хабар» газетаси бош муҳаррири Ш. Отабек ва бошқалар ўзларининг дил сўзларини изҳор этдилар. Айниқса, коллеж талабаларининг ҳазрат Навоийга бағишланган кўрик-танлови тантана қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Навоийнинг ўлмас, шоҳ байтлари, куй ва қўшиқлар янграdetermine. Қаҳрамонларнинг сиймолари, айни чоғда ҳазратнинг нуроний қиёфаси тимсоли ҳам талабалар ижросида жонли гавдалантирилди.

Навоийни шарафлаш, руҳини шод этишга бағишланган ушбу тантана ҳазратнинг боқий меросига яқинлашиш ва уни кўнгил мулкига айлантириш сари ташланган дадил бир қадам, ўзига хос, бетакрор маънавият дарси ҳам бўлди. Шу боис анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

***Ш. ЭРГАШ ўғли, «Хабар» мухбири***



**Такомиллашган телекоммуникация тизимлари ва жиҳозларини меъёрий ҳужжатлар ва жаҳон андозалари талаблари даражасида ўрнатиш, ишга тушириш ҳамда улардан фойдаланиш масаласи Давлат алоқа инспекцияси (ДАИ) ходимларининг доимий диққат эътиборидадир.**

**Суратда: ДАИ телекоммуникация ходимлари (чапдан ўнгга) Б. Полубеченко, Н. Каримов, С. Авганбоев, Ш. Холхўжаев ва Ў. Исроиловлар бўлим ишларини муҳокама қилмоқдалар.**

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган***

## КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

«Қорақалпоқ Телеком» акционерлик жамиятида телекоммуникация соҳасида ўтган йилги иш якунлари ва 2001 йил вазифаларига бағишланган конференция ўтказилди. Йиғилишни Кузатув Кенгаши раиси Х. Ниғматов олиб борди. Анжуманда корхона бош директори Ў. Таженов маъруза қилди.

Маърузачи қорақалпоғистонлик алоқачилар учун ўтган йили омадли келганини қуйидагича баён қилди: «Тарифлар даромади 103,7 фоизга уддаланганлиги сабабли 121 млн. сўм фойда олинди. Аҳолига кўрсатилган 443502,4 млн. сўмлик хизмат эса корхона умумий фойдасининг 38,7 фоизини ташкил этади. Соҳага янги технологиялар киритилгани алоқа хизматининг яхшиланишига олиб келди. Аммо ютуқларимиз билан биргаликда камчиликлар ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Бизни дебитор қарздорлиги масаласи анча қийнаяпти. Шунга қарамасдан 2001 йили янги-янги вазифаларни режалаштириб қўйдик. Уларни амалга ошириш учун астойдил бел боғлаганмиз».

Музокараларда «Қорақалпоқ Телеком» АЖнинг Қўнғирот ҳамда Тўрткўл филиаллари директорлари Н. Утесинов, А. Аминов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Конференцияда «Қорақалпоқ Телеком» АЖ ва Қорақалпоғистон алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган тармоқ жамоа шартномасининг қандай бажарилаётгани масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бу хусусда корхона бош директори Ў. Таженов ва касаба уюшмаси қўмитаси раиси Н. Раимовалар маърузаси тингланди. Улар жамоа шартномасининг барча бандлари тўлиқ бажарилганлигини айтиб ўтишди. Конференция ишида Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Панаевлар иштирок этишди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Қ. ТЎЛАГЕНОВ, жамоатчи мухбиримиз, Қорақалпоғистон Республикаси***

## КОРХОНА ҚАЙТА НОМЛАНАДИ

«Ўзбекистон почтаси» ДАКда почта алоқаси тизимидаги барча акциядорлик жамиятлари ва устав жамғармаларини бирлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятларини қайта ташкил этиш масаласи кўриб чиқиладиган бўлди. «Навоий почтаси» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ана шу масалага бағишланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан корхона Кузатув Кенгашининг раиси А. Ортиқов ахборот берди.

Сўзга чиққанлар ва барча акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш учун ва Миллий оператор фаолиятининг юридик асосини таъминлаш мақсадида «Навоий почтаси» акциядорлик жамиятини «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясининг шўъба корхоналаридан бири сифатида қайта ташкил этиш учун овоз беришди.

***О. ХЎЖАЕВ, Навоий вилояти***

*● Талаб ва таклиф*

## СУКУТДАГИ РАДИОКАРНАЙЛАР

**Фан, техника тараққиёти изчил кириб келган мустақил мамлакат ҳаётини матбуот ва оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Жаҳонда юз бераётган воқеалар, ахборотларни мана шулар орқали билиб оламиз.**

**Аммо бозор иқтисодиёти қийинчиликлари бу соҳа ходимларини ҳам жиддий синовдан ўтказмоқда... Қоғоз ва бўёқлар нархи ошган сари газеталар ҳам қимматлашиб кетаяпти. Лекин...**

**Радио қоғозсиз ва масофасиз газета ҳисобланади. Бироқ Китоб туманида радиоларнинг ишлаши талаб даражасида эмас. «Қашқадарё Телеком» шўъба корхонасининг Китоб филиали бош муҳандиси Ғайбулла Тўраевнинг айтишича шаҳарда 1995 та, қишлоқларда эса 1256 та радио ишлаётган экан. 180 мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қиладиган туман учун бу кўрсаткич етарли эмас, албатта. Зеро кейинги йилларда жуда кўп хўжаликларда радиоузелларни ишлатишга мутлақо эътибор берилмаяпти. Масалан, 1999 йилнинг январ ойи маълумотига кўра Китоб шаҳрида 3948 та, қишлоқларда 5275 та радио ишлаб турган бўлса, кейинги икки йил ичида уларнинг сони кескин камайиб кетди. Ахир икки йил аввал Жовли Турдиев номли хўжа-**

**(Давоми 2-бетда.)**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР**

**● Матбуотда «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

● Тошкентда «Таълим ва демократия – 2001 йил ривожланиш ва ҳамкорлик» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.

**● Тожикистонга Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Тожикистон ва Афғонистон оралиғида жойлашган афғон қочоқлари учун инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.**

● Қирғизистонда Президент Асқар Акаевнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича прокурор назоратини кучайтириш ҳақидаги Фармони кучга кирди.

**● АҚШ Президенти Жорж Буш Исроил билан Фаластин ўртасида тинчлик ўрнатиш борасида собиқ президент Билл Клинтон олға сурган таклифларни қўллаб-қувватламайди. Ж. Бушнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Кондолиза Райс шундай деди. Унинг айтишича, Ж. Буш бу музокараларда АҚШнинг камроқ ўрин тутиши ва жараён учун асосий жавобгарлик Ёсир Арофат ва Ариэл Шарон зиммасида бўлиши тарафдоридир.**

● Араб давлатлари ташқи ишлар вазирлари Иордания пойтахти Оммонда Яқин Шарқ можаросини тинч йўл билан ҳал қилишнинг истиқболларини муҳокама этдилар.

**● Таиланднинг Шимолий тегараларидан бирида Дания қироличаси Маргарет II га ҳамроҳлик қилиб учиб бораётган вертолёт ҳалокатга учради. Вертолёт ичидаги тўрт киши жароҳатланди. Қироличанинг вертолёти шикастланмаган.**

«ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*• Талаб ва таклиф*

# СУКУТДАГИ РАДИОКАРНАЙЛАР

(Боши 1-бетда.)

ликда 806, «Паландара» хўжалигида 384, «Зарафшон» хўжалигида 473, «Навбаҳор» хўжалигида 332, «Қишлиқ» хўжалигида 169, Навоий номли хўжаликда 834, Раззоқ Шаймонов номли хўжаликда 441, Шодмон Умаров номли хўжаликда 494, Охунбобоев номли хўжаликда 320 та радио ишлаб турган эди. Эндиликда эса номлари қайд этилган хўжаликларда радиоузеллар йўқ. Хўжасизлик, ишга масъулиятсизлик оқибатида бу ҳудудлардаги симёғочлар, улардаги кабеллар йўқолиб кетмоқда. Демак, ўз-ўзидан савол туғилади: «Нима, туман аҳолиси радио эшиттиришларни тинглашни истамай қўйдими?»

«Мейликул Бобоев номли ширкат хўжалигининг «Кумқишлоқ», «Жаркўрғон» маҳаллаларида 250 дан ортиқ оила яшайди, – деб ёзади меҳнат фахрийлари Ҳайдар Исломов, Зиёдулло Жалилов, Мейликул Йўлдошев ва яна юз нафардан ортиқ шикоятчилар: – Наҳотки, радио эшиттиришларидан энди бутунлай маҳрум бўлсак? Эллигинчи йилларда ўтказилган радиосимлари хизматини ўтаб бўлганмиди ёки соҳа мутасаддиларининг масъулиятсизлиги туфайли аҳвол шу даражага келдими? Хонадонларга кириб борган радиокарнай симлари наҳотки оддий матоҳга айланиб қолган бўлса? Унда республика, вилоят, туман радиоэшиттиришларини тинглашдан маҳрум бўлибмизда? Худо асрасину, бирор фавқулодда ҳодиса ёки воқеа содир бўлиб қолса, тезкор хабарларни бизга ким етказади?»

«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Китоб филиали бош муҳандиси Ғайбулло Тўраев эса манзарани сал бошқачароқ изоҳлайди: «Энг аввало, абонент тўловлари вақтида тўланмаяпти, симёғочлар эскирган, ҳозир сим масаласи ҳам чатоқ. Эҳтиёт қисмлар етишмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 1998 йил, 4 январдаги розилик хати бўйича узелларни эфирли вариантга ўтказиш керак». Шу ўринда қайд этиш керакки, бир ойлик радио тўлови 40 сўм, бир йиллиги эса 480 сўм бўлар экан.

«Қашқадарё Телеком» шўъба корхонаси Китоб филиали директори Акмал Очиловнинг айтишига қараганда эса бюджет ҳисобидан маош оладиган ташкилотлар – туман халқ таълими бўлими, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари маъмурий идоралардаги 760 та радиотармоқ хизмат ҳақини тўлай олмаганликлари сабабли уларни узиб қўйиш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилган экан.

Қизиқ, ташкилот раҳбарлари бу ишлари билан мафкура, маънавият илдизига болта ураётганларини билишармикин? Ёки улар Президентимизнинг «Маънавиятни мустаҳкамлашга меҳнат ва маблағни аямоқ ўзини келажакдан маҳрум қилиш демакдир» деган сўзларининг маъносини ҳали уқиб олишмадимикан?

Назаримизда, ортиқча изоҳга ҳам, шарҳга ҳам ҳожат бўлмаса керак...

*Ҳусан РАҲМОНОВ,*
*Қашқадарё вилояти*

Бугунги кунда мамлакат тараққиётини почта алоқа хизматисиз тасаввур қилиш қийин. Бу эса ўз навбатида алоқа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. «Навоий почтаси» акциядорлик жамияти жамоаси ҳам ана шу масъулиятни теран англаган ҳолда меҳнат қилмоқда. Корхона янги раҳбари Усмон Жумаевнинг ташкилотчилиги, мутахассислар саъй-ҳаракатлари туфайли кейинги пайтда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилди.

Аввало, жамоа аъзоларининг ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлишига, уларга қулай иш шароитлари яратишга алоҳида эътибор қилинди. Ўтган йилнинг сўнгги чорагигача корхона ҳамда унинг шаҳар ва туман филиаллари ишчи-хизматчиларининг ойлик иш ҳақларини 2-3 ой кечикиб олишлари одатий ҳолга айланганди. Шунингдек, мутахассис ходимларга нисбатан талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги, ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар билан ишлашдаги бепарволик, молиявий-иқтисодий муаммоларни ечиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмаганлиги туфайли корхона инқирозга юз тутганди. Бу аҳволда узоққа бориб бўлмаслиги ишчи-хизматчиларга атрофлича тушунтирилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, почта хизматини такомиллаштириб халқаро андозалар даражасига етказиш юзасидан тезкор ва таъсирчан чоралар белгиланди.

Қисқа даврда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Корхона 2000 йилни 180581,8 минг сўм даромад билан якунлади. Алоқачилар ойлик иш ҳақларини ўз вақтида оладиган бўлишди. Корхонанинг моддий-техника базасини давр талаблари даражасида мустаҳкамлаш имконияти вужудга келди. Навоий вилоятининг ҳудудий жиҳатдан республикада олдинги ўринда эканлиги ҳисобга олиниб, тезкор, сифатли ва нисбатан арзон почта алоқа хизматини ташкил этиш мақсадида энг замонавий техника воситалари сотиб олинди. Бошқарув идорасида учта компьютер, иккита телефакс ва битта нусха кўчириш аппаратлари ўрнатилди. Эндиликда барча туман ва шаҳар филиаллари ҳам ўз телефакс аппаратларига эга бўлишди.

2001 йил учун матбуот нашрларига обуна мавсумида ҳам астойдил меҳнат қилишга тўғри келди. Муҳим сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур тадбирда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, корхоналар ҳамда ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб бордилар. Пировардида ўтган йилдагидан анча кўп матбуот нашрларига обуна бўлишга эришилди. Акциядорлик жамияти жамоаси матбуот нашрларининг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бундан буён ҳам ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифа – обуна мавсумини уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда.

«Навоий почтаси» акциядорлик жамоаси ходимлари келгусида хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш юзасидан ҳам бир қанча ишларни амалга оширишяпти.

– Вилоятимизда почта тизимининг истиқболга мўлжалланган режалари ишлаб чиқилди, – дейди биз билан суҳбатда Усмон Жумаев. – Шунга биноан корхонада иш фаолияти ўзгартирилиб, бозор шароитига тўла мослаштирилди. Банк ташкилотлари билан қайтадан ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Тижорат бўлими очилди. Жойларда ёрдамчи хўжаликлар барпо этишни режалаштирганмиз. Булар ўз навбатида корхонада иш шароитлари ва сифатини яхшилашга, ҳамкасбларимиз турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам шу мақсадга йўналтирилгандир.

*• Ислоҳот одимлари*

# ИСТИҚБОЛ САРИ

*Олим ХЎЖАЕВ,*
*жамоатчи мухбиримиз*

*• Алоқа матбуот кўзгусида*

## ШАРҚ ДАҲОЛАРИ МАРКАЛАРДА

**Жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик машҳур олимларнинг юбилейлари муносабати билан турли мамлакатларда ранг-баранг маркалар чиқарилган.**

• Машҳур математик ва астроном Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий сиймоси туширилган дастлабки марка олим таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан эълон қилинди.

• Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун

сатрлари муаллифи, форс-тожик шеъриятига катта ҳисса қўшган Абу Абдулло Рудакий таваллудининг 1100 йиллик юбилейи муносабати билан шоирнинг портрети туширилган марка чоп этилди.

• «Шарқ Арастуси» номи билан машҳур, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган қомусий олим Абу Наср Муҳаммад ал-Форобий таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан алломанинг сиймоси тасвирланган марка муомалага чиқарилди.

• Шарқ табобатининг бобокалони, Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги шарафига ҳам бир нечта марка чиқарилган.

• Шарқ шеъриятининг улуғ даҳоларидан бири Саъдий Шерозий «Гулистон» асарининг яратилганлигига 700 йил тўлиши муносабати билан эълон қилинган марка эса шу машҳур китоб ва унинг муаллифи шарафига эди.

*А. АЛИЕВ тайёрлади*



**Ёш мутахассис Ботир БОЙБЎТАЕВга «Сурхондарё Телеком» шўъба корхонаси раҳбарияти ишонч билдириб, Индонезияга ўқишга юборди. У ерда малака ошириб келган Ботиржон Термиздаги рақамли АТСда самарали меҳнат қилмоқда.**

*Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган*

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Жиззах Телеком» шўъба корхонаси ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхонанинг Режалаштириш бўлими ассистенти **Саидраҳим МУСАЕВ** ва Телекоммуникация бўлими ассистенти **Ринат ЯРУЛИН**ни ҳамда Бахмал филиали техник директори **Элибой РАВШАНОВ**ларни туғилган кунлари билан самимий табриклайди. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида омад тилаб қолади.

* * *

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институт сиртқи факультети декани **Қудратилла ҲАЙДАРОВ** ва физика кафедраси катта ўқитувчиси **Моҳира РАҲМАТУЛЛАЕВА**ларни туғилган кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, тани-сиҳатлик, оилавий хотиржамлик, ишларига муваффақиятлар тилайди.

# ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Тошкент шаҳар давлат алоқа инспекцияси почта ва телекоммуникациялар хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тарифларнинг тўғри қўлланилишини, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга, давлат ва тармоқ стандартларига риоя қилинишини назорат қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш каби вазифаларни бажаради. Барча текшириш ишлари Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган режага асосан олиб борилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга доир устувор йўналишларга қаратилган ҳукумат дастурини бажариш асносида Давлат алоқа инспекцияси фаолиятида назорат қилинадиган ишларни эркинлаштириш, почта ва телекоммуникация хизматлари сифатини назорат қилишни сақлаган ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказиладиган текширишлар сонини қисқартириш каби бир қатор ўзгартиришлар амалга оширилди. Жумладан, лицензия шартларини мақсадли назорат қилиш ва кўп йўналишли тадқиқотлар олиб бориш, сўров ўтказиш орқали таҳлил қилиш, «ишонч телефони»ни ташкил этиш, маҳаллий телефон, уяли радиотелефон алоқаси ҳамда терминал асбоб-ускуналар ёрдамида амалга ошириладиган шахсий радиочақирув хизмати сифатини белгилаш йўлга қўйилди. Шунингдек, операторларнинг лицензия шартларига риоя этишларига кўмаклашиш мақсадида биргаликда семинарлар ўтказиш каби бир қатор тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Давлат алоқа инспекцияси алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, далолат ва тармоқ стандартлари ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатига қўйиладиган талаблар бузилганлиги учун «Молиявий жазо (жарима) чораларини қўллаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2000 йил, 14 августдаги) 318-сонли Қарорига ва Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг (2000 йил, 28 августдаги) 280-сонли буйруғига мувофиқ жарима миқдори қўлланилиши тартиби ва уни ҳисоблашнинг тўғрилигини назорат қилиб бориш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Кодексининг 151-154 ва 156-моддалари асосида қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан жазо чораларини қўлламоқда.

2000 йили Тошкент шаҳар ДАИ Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган режа бўйича 30 та ялпи ва 14 та назорат текширувларини ўтказди. Бунинг натижасида бир нафар жисмоний шахс маъмурий жазога тортилди.

Шунингдек, Давлат алоқа инспекцияси 29 та телекоммуникация объекти, жумладан, «ДЭУ сентрал Пейджинг Компани» ҚКнинг ўнта ва «Ўздунробита»нинг бешта базавий уяли алоқа станциялари иншоотларини фойдаланишга топширишда Давлат комиссияси таркибида иштирок этди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, почта ва телекоммуникация соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифати кўп жиҳатдан телекоммуникация асбоб-ускуналари ва иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш, монтаж қилиш ва фойдаланиш сифатига боғлиқдир. Ушбу ишларни бажаришда меъёр ва қоидалар бузиладиган бўлса сифатли хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмайди. Шу боисдан ҳам ДАИ ходимлари ана шу камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш йўлида ўз хизмат бурчларини масъулиятни ҳис этган ҳолда, сидқидилдан бажаришлари лозим.

*Л. ЧУБ,*
*Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи*

*• Мустақиллик шарофати*

# ЧАШМАДАН БОШЛАНАДИГАН ШАҲАР

Бу ер Нуротанинг энг тепа жойи. Дарвозадан киравеҳришда ўнг томондаги кичкина-кичкина хоначаларга кўзингиз тушади. Улар Мустақиллик даврида қурилган. Илгари бу жойда ҳужралар бўлган экан. Ҳозир бу хоналар халқ ҳунармандчилиги усталарига берилган. Мармар ётқизилган йўлакчанинг чап томонида машҳур Чилустун масжиди. Тўрда дубулғасимон Кўкгумбаз. Унинг орқасида Нуротага ҳаёт бағишловчи чашма. Чашма тепасида қабр. Бу ерда Нурота номи билан машҳур шайх Абул Ҳасан Нурий ҳазратлари ётибди. 1930 йили шўровийлар томонидан бузиб ташланган бу қабр мустақилликдан кейин, 1994 йили қайта тикланди. Озодагина, шинамгина ушбу мажмуада улуғвор сокинлик ҳукмрон. Бу сокинликни чашмадаги сон-саноқсиз балиқларнинг, шалоплашию «Кўкгумбаз» ёки «Чилустун»да ўқиладиган Қуръон овозигина бузади, холос.

– Шўро даврида «Чилустун» омбор бўлган. Кейинчалик эса дон омборига айлантирилди. Колхозлардан келтирилган дон-дун шу масжид ичида сақланарди. Ўша пайтларда масжиднинг ўнг томони ёрилиб кетган. Ушбу муқаддас жойдан мустақилликкача аёлларнинг гилам тўқиш фабрикаси сифатида ҳам фойдаланишди. Аллоҳга шукр, мана бугун у ўз мавқеини тиклади. Ҳозир икки минг киши бу масжидда бемалол жумъа номозини ўқиши мумкин. Йўлакчаларни қаранг, ҳаммаёқ мармар, фаввораларни айтмайсизми. Ободликни кўринг. Фақат мустақилликкина бу жойнинг муқаддас зиёратгоҳ сифатида яна халққа қайтариб берди.

Домланинг ушбу сўзлари қироатдек янграйди. Балиқларнинг сувни шалоплатиши бизни чашма томон етаклади. Ер остидан сизиб чиқаётган нурдек тиниқ (Нурота номи ҳам шу чашма билан боғлиқ) сувда сузиб юрган балиқларни бемалол томоша қилишингиз мумкин. Балиқлар учун энг хавотирсиз жой бўлган ушбу чашма нафақат бу тилсиз жониворларнинг, балки бутун Нуротанинг тириклигини, фаровонлигини таъминлайди. Чашма зиёратгоҳ дарвозасида иккига бўлиниб, шаҳарнинг икки томонига йўл олади. Шу тариқа у саккиз ариққа айланиб Нурота халқига оби ҳаёт етказади. Нуротанинг бирдан-бир сув манбаи ҳам мана шу Худо ато этган табиий чашма. Бугун 27 минг нафарни ташкил этган Нурота аҳолиси неча асрлардан бери шу чашма билан тирик. Шу боис ҳам Нурота аҳли бу чашмани ҳаётнинг боши деб аташади, эъзозлашади, сиғинишади. Олимларнинг аниқлашларича, унинг сувида 18 хил маъдан бор экан.

Дубулғасимон «Кўкгумбаз» масжиди Бухоро Амири Абдуллахон даврида 1582 йили қурилган. Айланаси 40 метрлик якка гумбазли масжид нодир архитектура ёдгорлиги сифатида кишини лол қолдиради. Пастаккина деворларга улкан кўкгумбаз қандай ўрнатилди экан? Оғир гумбазни бу деворлар қандай кўтариб турибди? XXI асрда туриб XVI аср иморати олдида ҳайратимизни яшира олмаймиз.

Ана, «Чилустун»нинг ташқи тўрт устуни. Бу масжид Абул Ҳасан Нурий ҳазратларининг муборак номлари билан Нурота масжиди деб ҳам юритилади. Асли тобеъинлардан бўлган боғдодлик бу мукаррам зот Исломни ёйиш учун келган эканлар. Аммо Нурота ёқиб қолгани сабабли шу ерда яшашни ихтиёр этганлар. Сўнгра халқ орасида Нур ота номи билан шуҳрат қозонган. Абул Ҳасан ҳазратлари 907 йили қабрини чашма атрофига қўйишларини васият қилиб вафот қиладилар. «Чилустун»га ҳам у киши даврида асос солинган экан. Кейинчалик Амир Олимхон даврида масжид кенгайтирилади ва қайта қурилади.

Зиёратдан чиқаётганимизда яна балиқларнинг сувни шалоплатишию «Кўкгумбаз»дан келаётган майин қироат эшитилди. Ҳа, энди бу ернинг сукунатига бошқа ўзга овоз халақит бермайди, фақат яхши ниятли зиёратчиларнинггина қадамлари тегади.

Дарвозадан чиқаётиб Нуротанинг энг баланд жойида турганлигингизга яна бир бор амин бўласиз. Нурота мана шу энг баланд, муқаддас нуқтадан бошланади. У покликдан, оби-ҳаётдан – ҳаёт чашмасидан тириклик олади. У сизни ҳам баланд бўлишга, муқаддас туйғулар чашмасига чорлайди. Шунда сизнинг ҳам оқиб кетгингиз келади – Одамлар томонга. Одамлар хизматига.

*Акбар ЖОНУЗОҚОВ*

# ИХТИЁРИЙ ЖИННИ БЎЛИШ

Ичкиликбозлик — барча иллатларнинг асоси.

*Абдул ФАРОЖ*

* * *

Кўпгина ёвузликларнинг сабаби май шишаси тагида ётади.

*И. ВАЗОВ*

* * *

Мастлик маълум вақтгача бўлса ҳам кишини тубанлаштиради, ақлдан оздиради ва бора-бора уни ҳайвонга айлантиради.

*Ж. РУССО*

* * *

Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йўқотиб, инсонгарчиликдан чиқадилар.

*Жюль ВЕРН*

* * *

Мастлик ихтиёрий жинни бўлишдир.

*СЕНЕКА*

* * *

Мастлик аввал юзга ранг берур, сўнгра безрайтирур.

*САЪДИЙ*

* * *

Маст одамга ёруғ кўча ҳам зулмат.

*К. УШИНСКИЙ*

* * *

Мастлик ғирт ақлсизлик, у бизни истеъдодларимиздан маҳрум этади.

*СОЛОН*



*Дастурхон тўкинлиги оила қувончи.*

*С. ДАВЛАТОВ олган сурат*

*• Бу – қизиқ!*

## ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Дунёдаги энг баланд бўйли эркак Покистонда истиқомат қилувчи Муҳаммад Алам Чанна (1954 йилда туғилган). Унинг бўйи – 2 метру 50 сантиметр.

* * *

Энг баланд бўйли аёл эса хитойлик Сан Чанг Линь. У 1964 йили туғилган. 1980 йили унинг бўйи 2 метру 40 сантиметр эди.

* * *

Энг улкан шаршара – Венесуэладаги Анжел Фоллз шаршарасидир. Бу ерда сув 979,6 метр тик баландликдан оқиб тушади.

* * *

Энг катта фаввора – Фавворалар қирғоғи (АҚШ, Аризона штати)да жойлашган. Унинг бир минутлик сув сарфи 26460 литр бўлиб, суви 170,8 метр юқорига кўтарилади.

* * *

Энг йирик дур улкан филиппин молюскаси чиғаноғидан олинган бўлиб, вазни 6,4 килограммга тенг.

* * *

Энг узун жонивор Шимолий денгиз қирғоқларидаги сувдан топилган. Ушбу лентасимон чувалчангнинг узунлиги 54 метру 90 сантиметр эди.

*• Биласизми?*

## ШОҲМОТ ҲАҚИДА

Шри-Ланка афсоналарига кўра, шоҳмот бу мамлакатда беш минг йил аввал ҳам маълум бўлган экан. Шундай афсоналардан бирида ҳикоя қилинишича, қирол Равана шоҳмот йўли билан ўғли шаҳзода Рамни гўзал малика Сита тўғрисида ўйлашдан маҳрум қилмоқчи, маликага эса ўзи уйланмоқчи бўлган экан.

## ДОНОЛИК РАМЗИ

Ўрта аср Франгистонида шикоятларни кўриб чиқувчи олий суд «Шоҳмот палатаси» деб аталарди. Аризалар кўриб чиқиладиган зал ерига оқ ва қора рангдаги 64 та тош тахтача ётқизилган. Раёсат аъзолари ўтирадиган стол устига ҳам катакли мато ёпилар эди. Тарихчи олимлар ушбу палатанинг обрў-эътибори ниҳоят юксак даражада бўлганлигини таъкидлайдилар. Бундан кўринадики, шоҳмот ўша даврлардаёқ донолик ва адолат рамзи ҳисобланган.

## ШОҲМОТДАН ЯХШИ ДАВО ЙЎҚ

Денгизчиларнинг хотинлари учун махсус газета нашр эта бошлаган Германиянинг Метьендорор шаҳри фуқароси Бурунгильда Шпаннинбург ўз газетхонларига мурожаатномасида шундай деб ёзади: «Узоқ денгиз сафарига кетган севикли ёрингизни соғинганингизда дардингизга шоҳмотдан яхшироқ даво тополмайсиз!»

## ЖЎНАБ ҚОЛ

XVI аср охири ва XVII аср бошларида яшаган инглиз шоири Николас Бретон ўз шеърларидан бирида шоҳмотдаги кучсиз рақибга ўйин пайтида танбеҳ бермаслик кераклигини таъкидлайди. Негаки, шоҳмот доналарини яхши ўйната олмайдиган рақиб шамширни маҳорат билан ишлатиш қобилиятига эга бўлиши ҳам мумкин. «Шунинг учун, – дейди Бретон, – мот қилдингми, ўзингни камтарона тутиб, тезда жўнаб қол».

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2139.
9353 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

Газета «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси компьютерида терилди ва чоп этилди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00
1 2 3 4 5 6